

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУСАНОВ ДУРБЕК НИШОНОВИЧ

МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК МЕХАНИЗМИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Хусанов Дурбек Нишоневич

Мамлакатда инвестицион фаоллик механизми самарадорлигини ошириш йўналишлари..... 3

Хусанов Дурбек Нишоневич

Направления повышения эффективности механизма инвестиционной активности страны..... 37

Khusanov Durbek Nishonovich

Directions of increasing the efficiency of the investment activity mechanism of the country..... 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 76

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУСАНОВ ДУРБЕК НИШОНОВИЧ

МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК МЕХАНИЗМИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.DSc/Iqt90 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Кузиева Наргиза Рамазановна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Саттаров Одилжон Бердимуратович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент Хайдаров Низомиддин Хамроевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ашурова Насиба Батировна иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳри филиали

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.1.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил "20" март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1115 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz

Диссертация автореферати 2022 йил "17" март кун тарқатилди.
(2022 йил "17" март даги 5 рақамли реестр баённомаси).



—Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида COVID-19 пандемияси халқаро инвестициялар оқимининг камайиши ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнини секинлаштиришга олиб келди. “Глобал тўғридан-тўғри инвестицияларнинг оқими 2020 йилда 35 фоизга камайиб, 1 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. 2019 йилда ушбу кўрсаткич 1,5 трлн. АҚШ долларини ташкил этган эди. Европада жами тўғридан-тўғри инвестицияларнинг оқими 80 фоизга камайиб, 73 миллиард АҚШ долларни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич Буюк Британияда 57 фоиз, Францияда 47 фоиз ва Германияда 34 фоизга камайди. Европа Иттифоқида тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 73 фоизга камайиб, 103 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. АҚШда инвестициялар оқими қайта инвестиция қилинган даромадларнинг камайиши 40 фоизга камайиб, 156 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган”¹. Бу ҳолатлар дунё миқёсида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва мамлакатларнинг инвестицион фаоллик механизмларидан самарали фойдаланиш масалаларининг аҳамиятли эканлигини тақозо этмоқда.

Жаҳон амалиётида мамлакатларнинг инвестицияларга бўлган талабларини рағбатлантириш, инвестициялар ресурс базасини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш, қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши натижасида инвестициялар ҳажминини кўпайтириш, ҳудудларда инвестиция фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада миллий иқтисодиёт ва алоҳида олинган минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни тўлақонли ташкил қилиш негизида мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, иқтисодиётда инвестицион фаолликни белгиловчи кўшимча омил ва имкониятларни аниқлаш, инновацион фаолликни рағбатлантириш ва тадбиркорлик фаолиятида инвестицион таваккалчиликни бошқариш механизмларини такомиллаштириш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистонда мустақил тараққиёт даврида қулай инвестицион муҳитни яратиш, иқтисодиётни сармоя билан таъминлаш, инвестицион фаолиятнинг жозибadorлигини оширишга йўналтирилган ислохотлар амалга оширилмоқда. “Мамлакатда жадал инвестицион сиёсатни амалга ошириш ва чет эл сармоядорларини жалб қилиш учун инвестицион жозибadorликни кучайтириш заруратига алоҳида эътибор қаратилмоқда”². Мазкур вазифаларнинг самарали ва изчил бажарилиши ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб

¹World Investment Report-2021: Investing in sustainable recover. UNCTAD/WIR/2021. https://unctad.org/system/files/official-document/wir2021_en.pdf.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/3107036>

чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодий тармоқлараро инвестициялар йўналиши ва тақсимланишини эконометрик моделлаштириш услугиётини такомиллаштириш, инвестиция самарадорлиги ва таваккалчилик даражаларини аниқлаш моделларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар кўламини кенгайтиришни таъазо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 14 сентябрдаги ПҚ-5243-сон “Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 25 августдаги ПҚ-5233-сон “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.³ Мамлакатда инвестицион фаоллик механизми самарадорлигини ошириш масалалари билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, American Institute for Economic Research, World Finance, Harvard University, IMF, New York University (АҚШ), Center of Development Research University of Bonn (ZEF), Center for international Development and Environmental Research University of Giessen (ZEU), IAMO – Leibniz Institute of Agricultural Development in Transition Economies (Германия), Odense University (Дания), The Centre for Efficiency and Productivity Analysis (CEPA) (Австралия), Applied Economics Department University of Valencia (Испания), University of Peking (Хитой), Wageningen School of Social Sciences (Голландия), Россиянинг Илмий

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.zef.de/, www.uni-goettingen.de, www.iamo.de, www.sdu.dk, www.uq.edu.au/economics/cepa/, www.ugent.be/bw/agricultural-economics/en, www.uv.es/uvweb/applied_economics_department/, www.uwrf.edu/AGEC/, www.pku.edu.cn, www.wur.nl/en/Education-Programmes/PhD-Programme/Graduate-Schools/ ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

тадқиқот молия институти (НИФИ), Москва давлат университети Молия факультети, Санкт-Петербург иқтисодиёт университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Мамлакатда инвестициялардан самарали фойдаланишга оид жаҳонда олиб борилган изланишлар бўйича қатор илмий натижалар олинган, жумладан: инвестиция самарадорлигини ўзгарувчан ва ўзгармас ишлаб чиқариш технологиялари шароитида ҳисоблаш услубиётлари таклиф этилган (University of Texas at Austin, АҚШ); турли методлар асосида инвестиция самарадорлиги ва омиллар унумдорлигини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган (Centre for efficiency and productivity analysis, Department of econometrics, University of New England, Австралия); тармоқлараро алоқаларни ўрнатиш орқали ҳудудларда инвестициялардан оқилона фойдаланиш йўллари асосланган (Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO), Италия); инвестициянинг самарадорликка таъсири ишлаб чиқилган (Peking University, Хитой; International Food Policy Research Institute, АҚШ); иқтисодиёт тармоқларида инвестициялар ва уларга таъсир этувчи сифат кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик асосланган (The University of Queensland, Австралия).

Дунёдаги олий таълим муассасалари, илмий марказлари ва нуфузли халқаро молия-кредит ташкилотларида мамлакатда инвестицион фаоллик механизми самарадорлигини оширишнинг назарий-методологик, услубий ва иқтисодий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида хорижий инвестициялар ва хорижий кредитларни жалб қилишни такомиллаштириш; инвестицион фаолиятни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳисобига молиялаштиришдаги муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш; ҳудудларнинг инвестицион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш; инвестицион лойиҳа бўйича шериклик ҳуқуқини берувчи қимматли қоғозини эмиссия қилиш; корхоналарнинг инвестицион қарорларини қабул қилишда ички даромадлилик даражасининг натижасига таяниш; қисқа муддатли давр учун инвестицияларни жалб қилиш мақсадида муддати бир йилдан кам бўлган қимматли қоғозларни амалиётга жорий этиш; ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг республика бўйича индексини ҳисоблаш орқали ҳудудларда мавжуд инвестицион салоҳиятдан оқилона фойдаланиш имкониятларини аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатда инвестицион фаоллик механизми самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий, услубий ва амалий муаммолари Karen E., Steve Padgett Vásquez, Jaap Jan Schröder, Dunstan Gabriel Msuya, Mohamed Ali Mohamed, Tilman D., Cassman K.G., Matson P.A., Naylor R. ва Polasky S., Kotschi J., Gerbens-Leenes, P.W. and Nonhebel S., Oleson J.E. ва Bindi M., J.J.Buckley, Y.C.Chui ва S.P.Chan,

D.Kuchta, C.Kahraman, D.Ruan, E.Tolgalar, инвестиция лойиҳаларини кўп мезонли ноаниқ баҳолаш бўйича R.P.Mohanty, R. Agarwal, L.Dimova., P.Sevastianova, Alison K McCowan, П.Самуэльсон, Г.Александр, Дж.Бейли, Лоренс Дж.Гитман, Майкл Д.Джонк, К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брюлар каби хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларида тадқиқ этилган⁴.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан Л.И.Абалкин, А.М.Марголин, В.С.Бард, С.Н.Бузулуков, И.Н.Дрогобицкий, И.Т.Балабанов, Л.Л.Игонина, Г.Е.Игольников, У.С.Патрушева, П.Н.Завлин, А.В.Васильев, А.И.Кнол, Ф.С.Тумусовлар⁵ томонидан мамлакатнинг инвестицион фаоллик механизми самарадорлигини ошириш муаммолари бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган, жумладан: кредит ва солиқ имтиёзлари орқали тармоқлар, соҳалар ва алоҳида хўжаликларни капитал маблағлар билан таъминлашни рағбатлантириш лозимлиги асосланган; ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга тушириш учун инвестиция жараёнларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ишлаб чиқилган; мамлакат инвестиция фаоллигини шакллантириш тизими келтирилган; ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш механизми ишлаб чиқилган.

Мамлакатда инвестицион фаоллик механизми самарадорлигини баҳолашнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар, Д.Ғозибеков, Н.Жумаев, Н.Ҳайдаров, А.Ваҳобов, Ш.Ходжибакиев, А.Мўминов, Н.Каримов, А.Бурханов, Н.Кузиева, Ш.Мустафақулов, О.Астанақулов, Т.Имомқулов, Г.Бекимбетова,

⁴ Steve Padgett Vásquez. Forest cover, development, and sustainability in Costa Rica: Can one policy fit all?// Land Use Policy. Volume 67, 2017, Pages 212–221. Jaap Jan Schröder . The Position of Mineral Nitrogen Fertilizer in Efficient Use of Nitrogen and Land: A Review // Natural Resources Vol.05 No.15(2014),12 pages. Dunstan Gabriel Msuya. Farming systems and crop-livestock land use consensus. // Open Journal of Ecology. Vol.3 No.7 (2013), 9 p. Mohamed Ali Mohamed. Monitoring of Temporal and Spatial Changes of Land Use and Land Cover in Metropolitan Regions through Remote Sensing and GIS // Natural Resources. Vol.05 No.15(2014), Article ID:52650,12 pages. Tilman, D., Cassman, K.G., Matson, P.A., Naylor, R. and Polasky, S. (2002) Agricultural Sustainability and Intensive Production Practices. Nature, 418, p. 671-677. Kotschi, J. (2013) A Soiled Reputation: Adverse Impacts of Mineral Fertilizers in Tropical Agriculture. Commissioned by World Wildlife Fund (Germany) to Heinrich Böll Stiftung, 58 p.; Gerbens-Leenes, P.W. and Nonhebel, S. (2002) Consumption Patterns and Their Effects on Land Required for Food. Ecological Economics, 42, 185-199. Oleson, J.E. and Bindi, M. (2002) Consequences of Climate Change for European Agricultural Productivity, Land Use and Policy. European Journal of Agronomy, 16, 239-262 p. Buckley, J.J. (1987) The fuzzy mathematics of finance, fuzzy sets and systems, 21, pp. 257-273; Chui, Y.C. and Chan, S.P. (1994) Fuzzy cash flow analysis using present worth criterion, Engineering economist, 39, pp. 113-138; Kuchta, D. (2000) Fuzzy capital budgeting. fuzzy sets and systems, 111, pp. 367-385; Mohanty, R. P., Agarwal, R., Choudhury, A. K. and Tiwari, M. K. (1994) A fuzzy and-based approach to r&d project selection: a case study, int. j. Production research, 43, pp. 5199-5216; Dimova I., Sevastianova P., Sevastianov D. (2006) Modern in a fuzzy setting: investment projects assessment application. Int. j. production economics, 100, pp. 10-29; Mohamed S., McCowan, AK. (2001) Modelling project investment decisions under uncertainty using possibility theory. Int. j. Project management, 19, pp. 231-241; Samuelson Paul A. Risk and Uncertainty: A Fallacy of Large Numbers. Scientia, 1997; Шарп У., Александр Г., Бейли Дж., Инвестиции: Пер.с англ. – М.: Инфра-М, 2010. - 1028 с.; Лоренс Дж.Гитман, Майкл Д.Джонк. Основы инвестирования.- М.: Дело, 2007, С. 10; Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. 2-том.- М.: Республика, 2002, С. 338.

⁵ Абалкин Л.И. Логика экономического роста. - М.: Институт экономики РАН, 2002. С. 228.; Марголин. А.М. Инвестиции. -М.: РАГС, 2006. С. 464; Бард В.С., Бузулуков С.Н., Дрогобыцкий И.Н. Инвестиционный потенциал Российской экономики. -М.: Издательство «Экзамент», 2003. С. 320; Балабанов И.Т. Основы финансового менеджмента. Как управлять капиталом? Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2000. С. 268; Булатов А.С. Экономика. - М.: Бек, 1996. С. 618; Булатов А.С. Экономика. - М.: Бек, 1996. С.618; Игонина Л.Л. Инвестиция. - М.: Экономист, 2005. С. 25.; Игольников Г.Е., Патрушева Е.С. Что понимать конкурентоспособностью, инвестиционной конкурентоспособностью, инвестиционной привлекательности и экономичностью производства Российские экономический журнал. - М, 1995. № 11; Завлин, П.Н. Оценка экономической эффективности инвестиционных проектов (современные подходы) / П.Н. Завлин, А.В. Васильев, А.И. Кноль. - СПб.: Наука, 1995. С. 30; Тумусов Ф.С. Инвестиционный потенциал региона: Теория, проблемы, практика. – М.: Экономика, 1999. 13 бет.

У.Айтмуратова, А.Анаркулов, А.Сотволдиев⁶ ва бошқалар томонидан ҳам ўзига хос тарзда тадқиқ этилган.

Чунончи, Т.Имомқуловнинг тадқиқотида мамлакат инвестицион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича таклифлар тавсия қилинган. Унинг тадқиқотида экспорт қилувчи корхоналарнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш мақсадида автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш бўйича транспорт харажатларининг маълум бир қисмини Давлат бюджетидан компенсация қилиш ҳамда инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида экспорт қилувчи корхоналарга экспорт билан боғлиқ харажатларни субсидиялар ҳисобидан компенсация қилиш таклифлари асосланган.

Корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш шароитида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш борасида тадқиқот олиб борган Г.Бекимбетованинг фикрига кўра, инвестиция самарадорлигини баҳолашнинг анъанавий усули орқали таҳлил қилишда корхоналарнинг стратегик манфаатлари тўлиқ ҳисобга олинмайди. Турли хил омилларни, айниқса, инновацияларнинг инвестиция лойиҳасига таъсирини ҳисобга олиш ва унинг самарадорлигини сифатли баҳолаш зарур. Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги инвестицияларни ҳар томонлама баҳолаш масалалари билан бевосита боғлиқ, деб таъкидланган.

У.Айтмуратованинг ёндашувига кўра, инвестицион стратегиянинг самарадорлигига баҳо беришда: корхонанинг инвестицион стратегиясини унинг умумий иқтисодий ривожланиш стратегиясига мувофиқлигини текшириш; инвестицион стратегиянинг муддати ва талаб этиладиган инвестиция миқдори ўртасидаги боғлиқликни текшириш; қабул қилиш мумкин бўлган риск меъёрини аниқлаш; инвестицион стратегиянинг умумий

⁶ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2002.; Жумаев Н.Ҳ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлар ва Ўзбекистонга таъсири. – Т.: 2009.; Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2003.; Вахобов А.В., Ходжибакиев Ш.Х., Мўминов А.Ғ. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.– Т.: “Молия”, 2010.; Каримов Н. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007.; Бурханов А.У., Ҳамдамов О.Н. Молиявий менежмент. Дарслик. – Т.: “Инновацион ривожлантириш нашриёт-уйи”, 2020.; Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2008.; Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги. Т.: “BAKTRIA PRESS”, 2017.; Астанақулов О.Т. Корхоналарнинг инвестицион фаолияти таҳлили услубиёти. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 2019. № 4, август.; Имомқулов Т.Б. Инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2021.; Бекимбетова Г.М. Корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш шароитида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2020.; Айтмуратова У.Ж. Корхоналарда инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2021.; Анаркулов А.Д. Худудлар молиявий-инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2021.; Сотволдиев А.А. Худудларга инвестицияларни жалб этишда инновацион салоҳиятини баҳолашнинг интеграл усули. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2018. № 5, сентябрь-октябрь.

натижасини аниқлаш каби мезонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. А.Анаркулов инвестицион салоҳият ва уни рўёбга чиқариш ҳудудлар инвестицион сиёсатининг моддий-молиявий негизини ташкил қилишини назарда тутади.

Юқорида келтирилган иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида мамлакат инвестицион фаоллик механизми ва услубиётини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича, жумладан, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштиришга қаратилган яхлит тадқиқотнинг олиб борилмаганлиги мазкур мавзунини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1-сон «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш», 20170928535-сон «Ўзбекистонда инвестиция фондларининг ўзига жалб этиш механизминини ишлаб чиқиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳалари билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш ва инвестицион фаоллик механизми самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мамлакат инвестицион фаоллигини таъминлашнинг назарий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш;

Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни амалга ошириш механизми ва хусусиятларини очиқ бериш;

иқтисодиётда инвестицион фаолликни белгиловчи омилларни аниқлаш, унинг ҳолатини баҳолаш ва ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилиш;

Ўзбекистонда инновацион фаолликни рағбатлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий механизминини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда аграр соҳа ва тадбиркорлик фаолиятида инвестицион фаоллик механизминини таҳлил этиш;

тадбиркорлик фаолиятида инвестицион таваккалчиликни бошқариш механизминини таҳлил қилиш;

инвестициявий жараёнларни бошқаришнинг ташкилий механизминини такомиллаштириш йўналишларини белгилаш;

инвестициявий лойиҳалар самарадорлигини иқтисодий баҳолаш услубиётининг хориж тажрибасини ўрганиш ва улардан мамлакатимизда фойдаланиш истиқболларини белгилаш;

мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштиришга доир илмий ва амалий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакат инвестицион фаоллик механизми ва услубиётини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаоллик механизми самарадорлигини баҳолаш амалиёти олинган.

Тадқиқотнинг предмети мамлакат иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш, улардан самарали фойдаланишда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда иқтисодий, қиёсий, таҳлил қилиш ва танлама кузатиш, статистик ҳамда кўп омилли эконометрик таҳлил услублари, монографик кузатиш, мантиқий ва абстракт фикрлаш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига маҳсулот ишлаб чиқаришда ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни импорт қилганда, қўшилган қиймат солиғи ва божхона божини фоизлар ҳисобланмаган ва уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунгача муддатга кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқини бериш таклиф этилган;

инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлашда инвестиция қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган, ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган ҳолларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши таклиф этилган;

махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига фойда солиғи бўйича имтиёзларининг фойдаланилмай қолган қисми учун улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, улар реестрга киритилган санадан бошлаб 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатларда имтиёзни тўлиқ қўлланилиши таклиф этилган;

эркин иқтисодий зоналарнинг инвестициявий жозибадорлигини ҳудуддаги ҳар минг нафар фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига тўғри келадиган ўртача миқдорини аниқлаш йўли билан баҳолаш таклиф этилган.

йирик инвестиция лойиҳалари бўйича инвесторларга ер майдонларини ажратишда “киритиладиган (жалб қилинадиган) инвестиция миқдори”, “ишлаб чиқариладиган жами маҳсулотлардан экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши”, “фаолиятида юқори технология ва илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг улуши”, “иш билан таъминланадиган фуқароларнинг ўртача йиллик сони” асосида энг яхши таклиф бўйича танлаб олишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инвестиция лойиҳаларини кичик саноат зоналари ҳудудида жойлаштиришнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг учинчи “Соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш” устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмларни қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва унга сервис хизматини кўрсатиш учун импорт қилишда белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимидан ташқари) озод қилиниши бўйича таклифлар асосланган;

қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва унга сервис хизматини кўрсатиш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни импорт қилишда товарлар эркин муомалага (импортга) чиқаришнинг божхона режимида жойлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини 270 кун кечиктириб тўлаши бўйича таклифлар асосланган.

мамлакат саноат ва рақобат сиёсатини такомиллаштиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва “ўсиш нуқталарига” молиялаштиришни жалб этиш; 2020-2022 йилларда 150 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда чарм-пойабзал саноатидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий банкларнинг узоқ муддатли кредит линияларини жалб этиш бўйича таклифлар асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, эконометрик ва математик усулларнинг асосланганлиги, статистик маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги ва тегишли хулоса, таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва мазкур йўналишдаги фаолиятни баҳолаш методологиясини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, мамлакатимизда “Инвестицион лойиҳалар таҳлили”, “Инвестицияларни баҳолаш”, “Молия” фанларини илмий ва назарий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ва бошқарув қарорларининг асосланганлик даражасини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мамлакатда инвестицион фаоллик механизми самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига 2021 йил 15 сентябрдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришда ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни импорт қилганда, кўшилган қиймат солиғи ва божхона божини фоизлар ҳисобланмаган ва уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунгача муддатга кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилиши бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги “Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5243-сон Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 ноябрдаги 06/04-02-32/2219-сон маълумотномаси). Натижада, 2021 йил 9 ой яқунларига кўра, махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига берилган солиқ имтиёзлари суммаси 563 млрд.сўмни ташкил қилди;

хорижий ҳамда маҳаллий инвесторлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш инвесторнинг қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган, унинг ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган, инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларини зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5233-сон Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 ноябрдаги 06/04-02-32/2219-сон маълумотномаси). 2021 йил 9 ой яқунларига кўра, белгиланган талаблар асосида инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларни 8 млрд. сўмлик зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилди;

махсус иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, инвесторлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига фойда солиғи бўйича имтиёзлар бекор бўлганлиги муносабати билан мазкур солиқ имтиёзларининг фойдаланилмай қолган қисми 2020 йил 1 октябрга қадар махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилган иштирокчилар учун, улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, улар реестрга киритилган санадан бошлаб 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатларда тўлиқ қўлланилиши бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги “Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5243-сон Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 ноябрдаги 06/04-02-32/2219-сон маълумотномаси). 2021 йил 9 ой

яқунларига кўра, махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига берилган солиқ имтиёзлари суммаси 357 млрд.сўмни ташкил қилди;

эркин иқтисодий зоналарнинг инвестициявий жозибадорлигини баҳолаш тартибини белгилашда индикаторлардан фойдаланиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 январдаги “Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сон Қарорининг “Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низомида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 06/04-01-32/289-сон маълумотномаси). Унга кўра, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридан самарали фойдаланиш кўрсаткичини ҳисоблаш тартиби такомиллаштирилган;

ҳудудларда йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш ва баҳолаш мезонлари бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 сентябрдаги “Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 592-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 ноябрдаги 06/04-02-32/2219-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатда йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш тартиби такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этган илмий журналлардан 21 та мақола, жумладан, 16 таси республика ҳамда 5 таси нуфузли хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 223 саҳифа ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Мамлакат инвестицион фаоллигини таъминлашнинг назарий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган биринчи бобида мамлакат инвестицион фаоллик ривожланишининг илмий-назарий асослари, иқтисодиётда инвестицион фаолликнинг моҳияти ва уни белгиловчи омиллар, инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг хориж тажрибаси ва улардан мамлакатимизда фойдаланиш истиқболлари ёритиб берилган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашда кенг қамровли тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириш тақозо этилади. Ана шундай муҳим тадбир ва йўналишлардан бири мамлакатимиз барча тармоқларида самарали инвестиция фаолиятини ташкил этиш, инвестиция муҳити, жараён, салоҳияти, фаоллиги ва жозибadorлиги ҳисобланади.

Хорижий иқтисодий адабиётлардаги инвестиция муаммоларига оид назарий тадқиқотлар олимларнинг илмий ишлари билан солиштирилганда, инвестиция моҳиятини ёритиб бериш анча кенг миқёсдаги ёндашувга эгаллигини кўриш мумкин. Инвестиция ва инвестициялаш муаммолари Дж.Кейнс, П.Массе, К.Макконел, С.Брю, Э.Долан ва бошқа олимлар илмий ишларида кенг миқёсда ёритиб берилган. Француз олими П.Массе ва инглиз олими Дж.Кейнснинг инвестиция моҳиятини аниқлашдаги қарашларида баъзи тафовутлар бўлса-да, умумий методологик ёндашув мавжуд.

Француз олими П.Массе фикрича: “Инвестициялаш бугунги кундаги эҳтиёжнинг қондирилишини манфаат ёрдами билан унинг келажакда кутилаётганини, алмашув актини ўзида ифодалайди”⁷. Ушбу таърифда инвестициянинг икки томонлама моҳияти – ресурсларга сарфлар ва бу сарфларнинг натижалари ёритиб берилган. Н.Я.Коваленко фикрича, “инвестициялар даромад ҳисобига турли кўринишдаги капитал мол-мулк харидини” ифодалайди⁸.

Э.Д.Долан ва Д.С.Линдсейлар инвестиция моҳиятини микроиқтисодий нуқтаи назардан талқин қилиб, улар инвестициянинг мазмунини “шаклланаётган иқтисодий тизимда капитал ҳажмининг ўсиши, одамлар амал қиладиган ишлаб чиқариш ресурслари таклифининг юксалишида деб биладилар”⁹. К.Эклунд ўзининг тадқиқотларида қуйидаги таърифни келтиради: “Инвестиция деганда, жамиятнинг реал капиталини оширишга йўналтирилган иқтисодий ресурслар тушунилади”¹⁰.

Республикаимизда қатор иқтисодчи олимлар инвестиция муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар. Улар орасида Д.Ғозибеков, Т.Қоралиев, Ш.Шодмонов, Н.Ҳайдаров, А.Жўраев, А.Ваҳобов, Н.Каримов, Н.Кузиева,

⁷ Массе П. Критерии и методы оптимального определения капиталовложений. / Пер.с фр. – М.: Статистика, 1971. – 160 с.

⁸ Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. С основами аграрных рынков. Курс лекций. – М.: Ассоциация авторов и издателей. ТАНДЕМ: Изд. ЭКМОС, 1998. - 448 стр.

⁹ Долан Э.Дж., Линдсей Д.Е. Микроэкономика. – Спб., 1994.- 448 стр.

¹⁰ Эклунд Клас. Эффективная экономика: шведская модель. Экономика для начинающих и не только для них. / К.Эклунд. – М.: Экономика, 1991. С. 349.

Д.Тожибоева, С.Умаров, Б.Абдукаримов, А.Жабриев, М.Пардаев, О.Хатамов, О.Олимжонов ва бошқа иқтисодчи олимларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Ғозибеков ва Т.Қоралиевлар: “Инвестициялар - даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан тақиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлар”, - деб таърифлайдилар¹¹. Профессор Н.Ҳайдаров “инвестициялар”га қуйидагича таъриф берган: “Инвестиция мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларни қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир”¹².

Фикримизча, “инвестиция” тушунчаси унинг иқтисодий моҳияти, сифат тавсифлари, жалб қилиш (сафарбар этиш) объектлари, мақсадлари, манбалари, уларга эришиш ва жалб қилиш усуллари, капитал қийматини сақлаш ва кўпайтириш хатарлари ўртасидаги ички ва ташқи алоқалар, инвестициялаш объектлари ва субъектлари, йўналишлари, шакллари, муддатлари ва даражалари ўрталаридаги ўзаро узвий боғлиқликлар орқали очиб берилиши лозим. Шу нуқтаи-назардан ҳам “инвестиция” тушунчасини инвестицион фаолликда, авваламбор, инвестицияларнинг кенг қамровли иқтисодий моҳиятини аниқлаш, бу борадаги илмий қарашларни атрофлича танқидий таҳлил қилган ҳолда ўрганиш муҳим.

Бизнинг фикримизча, юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда инвестициянинг моҳиятига қуйидагича таъриф келтириш мумкин: **“Инвестициялар узоқ муддатли ва капитал қўйилмаларни хавф-хатарга қўйиб (таваккал қилиб), тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ва бунинг натижасида фойда олиш ёки ресурслар потенциалининг чекланган шароитида келажакда бошқа фойдали самарага эришиш мақсадидаги иқтисодий категориядир”**.

Тадқиқот доирасида инвестицияларнинг кенгайтирилган таснифининг мезонлар мажмуи тадқиқ этилди, уларни қуйидагича келтириш мақсадга мувофиқдир: муносабатлар турига кўра (муस्ताқил, муқобил, тўлдирувчи ва ўрнини босадиган); пул оқими турига кўра (оддий, мураккаб); жалб қилинадиган инвестициялар ҳажми бўйича (кенг кўламли, ўрта ва кичик); мақсадли йўналиши турига кўра (харажатларни камайтириш, янги савдо бозорларига чиқиш, янги бизнес соҳаларига кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфини камайтириш, ижтимоий таъсирга эришишга қаратиш); инвестицион фаолият субъектлари бўйича (маҳаллий ва хорижий инвесторлар, стратегик ва портфель, яқка тартибдаги ва институционал); инвестицион таваккалчилик


¹¹ Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: Матбуотчи, 1993. Б. 6.

¹² Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2003. Б. 29.

даражаси бўйича (таваккалчилик даражаси паст, ўртача, спекулятив); устав капиталида иштирок этиш улуши бўйича (давлат, хусусий ва қўшма); инвестиция даври бўйича (қисқа муддатли ва узоқ муддатли); инвестиция жараёнида иштирок этиш хусусиятига кўра (бевосита ва билвосита); пул маблағларини киритиш объектлари бўйича (реал ва молиявий)¹³.

Ҳозирги даврда иқтисодиёт тармоқларида инвестиция фаоллигининг сустиги, авваламбор, ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини жалб этиш, ресурслар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини оширишга, пировардида эса такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги барқарор ривожланишини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кўпгина илмий адабиётларда “инвестицион фаоллик”ка яқин бўлган тушунчалар: “инвестицион жозибадорлик”, “инвестицион муҳит” “инвестицион имиж” синоним сифатида қўлланиб келинмоқда. Бизнинг фикримизча, “инвестицион фаоллик” мустақил категория бўлиб, хўжалик субъектларининг барқарор молиявий ҳолатини тавсифлайди ва аниқ давр учун реал ресурсларининг сафарбар этилишини англатади. Буни инвестицион талабни қондирадиган жараён сифатида ҳам талқин этиш мумкин. (1-расм).



1-расм. Инвестицион фаоллик омиллари¹⁴

Юқорида келтирилган омилларнинг ижобий тарздаги амалга оширилиши хорижий инвестицияларнинг фаол кириб келишига имкон беради. Бу эса табиийки, қўшимча иш жойлари, қўшимча даромад, иқтисодиётнинг ўсишига қўшимча имкониятдир.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, инвестицион фаолиятнинг тўртта даражасини ажратиш кўрсатиш мумкин: минтақавий даражаси; мамлакат даражаси; тармоқ даражаси; корхона даражаси. (2-расм)

¹³ Зотова М.А. Финансовое стимулирование инвестиционной деятельности в условиях модернизации российской экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Саратов, 2010.

¹⁴ Тадқиқот натижаларига кўра муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Инвестицион фаолият даражалари ва уни белгиловчи омиллари

Минтақа	Мамлакат	Тармоқ	Корхона
Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш	Бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси	Тармоқнинг иқтисодий ва захира салоҳияти	Корхонанинг иқтисодий ва захира салоҳияти
Сиёсий барқарорлик	Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув даражаси	Мамлакат тармоқлараро балансидаги тармоқнинг ўрни ва роли	Корхонанинг инвестицион ва инновацион стратегияси
Минтақавий қонунчилик ва норматив асос	Иқтисодий ва захира салоҳият	Тармоқнинг давлат томонидан мувофиқлаштирилиш даражаси	Корхонанинг солиқ, кредит, ҳисоб-китоб сиёсати
Табиий, меҳнат, хомашё захиралари	Сиёсий ва ижтимоий барқарорлик	Тармоқнинг монополлаштириш даражаси	Корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва ўлчамлари (кўламлари)
Минтақавий инвестицион инфратузилма	Инвестицион инфратузилма	Инновацион ривожланиш даражаси	Ички ва ташқи бозордаги ўрни
Минтақавий даражада қўллаб-қувватлаш	Давлат томонидан мувофиқлаштириш жараёни	Тармоқнинг рақобатбардошлиги	Тадбиркорлик хавф-хатарлари
Минтақанинг экологик хавфсизлиги	Мамлакатдаги экологик вазият	Тармоқнинг рақобатбардошлиги	Корхонанинг рақобатбардошлиги
Минтақавий хавф-хатарлар		Тармоққа оид хавф-хатарлар	

2-расм. Инвестицион фаолият даражалари ва уни белгиловчи омиллар¹⁵

¹⁵ Хусанов Д.Н. Аграр соҳада инвестицион фаоллик. // “Agroiqtisodiyot” илмий-амалий иқтисодий журнал. 3-сон, 2018 йил.

Бизнинг фикримича, инвестицион жараёнда қуйидаги босқичларни ажратиб кўрсатиш лозим:

инвестицион ресурсларни излаш (ҳам шахсий, ҳам жалб қилинган, омонатга олинган) – биринчи босқич;


ресурсларни капитал қўйилмалар (харажатлар)га айлантириш ёки инвестицияларни инвестицион фаолият (ҳақиқий инвестициялаштириш)нинг муайян объектига айлантириш жараёни – иккинчи босқич;

инвестицияларнинг якуний истеъмоли ва янги истеъмол қийматини (фойдаланишга топширилган объектлар ва ишлаб чиқариш қувватлари шаклида) олишни тавсифловчи қўйилган маблағларни капитал қийматнинг ошишига айлантириш – учинчи босқич;

инвестициялаштиришнинг якуний мақсади амалга ошириладиган фойда (даромад) шаклидаги капитал қийматнинг қўпайтирилиши - тўртинчи босқич.

Бундай босқичларга ажратиш нафақат инвестицион жараённинг моҳиятини очиқ бериш, балки унинг таъминлаш механизмларини ҳам аниқлаш имконини беради.

Инвестицион фаолликни акс эттирувчи омиллар қуйидагилардан иборат: (3-расм)



3-расм. Инвестицион фаолликни акс эттирувчи омиллар¹⁶

Бу вазифаларни ҳал этиш инвесторлар, инвестицион воситачилар, инвестицияни олувчилар, минтақавий, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари зиммасига юклатилади. Мамлакат ривожланишининг турли босқичларида инвестицион жараённи мувофиқлаштиришнинг турли воситалари ва усуллари қўлланилади, уларнинг жамланиши ва мутаносиблиги инвестицион механизмни шакллантиради.

Бугунги кунда мамлакатимизда инвестицион фаоллик механизми самарадорлигини оширишда хорижий мамлакатларнинг инвестицион имкониятларини шакллантириш ва ривожлантириш тамойилларини, улар

¹⁶ Тадқиқот натижаларига кўра муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

иқтисодий инвестиция ресурслари билан таъминлаш бўйича тўпланган тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил этиш долзарб ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида инвестицион фаоллик механизмини тадқиқ этиш натижаларидан кўринадики, мамлакат инвестицион-инновацион фаолиятини рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларининг куйидаги турларидан фойдаланилади: тадқиқот ва инвестиция солиғи кредитини тақдим этиш, яъни инновацион мақсадлар учун фойдадан харажатлар бўйича солиқ тўловларини кечиктириш; инновацион харажатлар ўсишига солиқни камайтириш; инновацион лойиҳаларни амалга оширишдан олинган фойда учун бир неча йил давомида “солиқ таътиллари”; инновацион ташкилотлар акциялари бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг олинган дивидендларига имтиёзли солиқ солиш; буюртирилган ва биргаликдаги илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун қаратилган фойда учун солиқ ставкаларини камайтириш; амалга оширилаётган лойиҳаларнинг устуворлигини ҳисобга олган ҳолда имтиёзлар бериш ўртасидаги муносабатлар; патентлар, лицензиялар, ноу-хау ва интеллектуал мулк таркибига кирадиган бошқа номоддий активлардан фойдаланиш натижасида олинган фойдага имтиёзли солиқ солиш; солиқ солинадиган фойдани асбоб-ускуналар қиймати суммасига камайтириш; фаолияти инновацияларни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган хайрия жамғармаларига бадалларнинг солиқ солинадиган фойдасидан айириб ташлаш; инновацион ташкилот фойдасининг бир қисмини махсус ҳисоб рақамларига ўтказиш, инновацион мақсадларда фойдаланилса, имтиёзли солиққа тортиш тартибини қўллаш¹⁷.

Диссертация ишининг **“Мамлакат инвестицион фаоллик ҳолатини баҳолаш ва ривожланиш тенденциялари”** деб номланган иккинчи бобида мамлакатда инновацион фаолликни рағбатлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий механизми, инвестиция жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда инвестицион жараёнларни амалга ошириш тартибини таҳлиллари келтирилган ва натижалари асосида илмий хулосалар шакллантирилган.

Ўзбекистон иқтисодий тармоқларининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан инвестицион-инновацион фаолиятнинг самарадорлигига боғлиқ. Инновацияларни ўзлаштириш натижасида мамлакат ишлаб чиқариш базаси технологик, техник ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан янгиланиб боради. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига интеграциясини кучайтиради. Иқтисодий тармоқларининг инвестицион жозибадорлиги пастлиги натижасида ушбу тармоқларда инновацион жараённи ривожлантиришда юзага келадиган ноқулай вазият инвестицион хавф-хатарларига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади.

Мамлакатимизда инвестицион фаолликни ошириш бўйича ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослар шакллантирилиб, барча тармоқлар фаоллигини оширишни таъминлайдиган тизимнинг вужудга келиши инвестиция

¹⁷ Шляхов М.А. Привлечение иностранных инвестиций в инновационную сферу Российской экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. М., 2006.

манбаларининг таркибида ҳам ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди. Пировардида, корхонанинг ўз маблағлари, тижорат банк кредитлари ва тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг бу борадаги улуши ортиб бориш жараёни шаклланди.

Республикамизда инвестицион жараёнлардаги ўзгаришлар, асосан, ЯИМнинг барқарор ўсишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестицияларни жалб этишга устуворлик берилиши билан боғлиқдир. Инвестицияларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳолатини 1-жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Инвестицияларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари¹⁸

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил январь- июнь
Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар жами, млрд. сўм	44810,4	51232,0	72155,2	124231,3	195927,3	210195,1	103055,7
Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, %да	21,3	21,1	23,9	30,6	38,3	36,2	32,4

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 2015 йилда 21,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 14,9 фоизга кўпайган ва 36,2 фоизни ташкил этган. 2021 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 32,4 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси ва мамлакат ҳудудларида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилда ўтган йилга нисбатан 4,2 фоизга, 2015 йилда 9,4 фоизга, 2019 йилда эса 38,1 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин. 2020 йилда эса ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,4 фоизга камайган. 2021 йил январь-июнь ойларида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,9 фоизга кўпайган.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдоси бўйича ҳолатини таҳлил қилиш натижаларига кўра, ташқи савдо айланмаси 2010, 2011, 2012, 2013, 2018, 2019 йилларда ўтган йилга нисбатан ўсганлигини кўришимиз мумкин. 2020 йилда бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 13,2 фоизга камайган. 2017-2019 йиллардаги экспорт операциялари ҳажми ошган бўлиб, мос равишда ўтган йилга нисбатан 2017 йилда 3,8 фоизга, 2018 йилда 11,4 фоизга, 2019 йилда 24,8 фоизга кўпайган. 2020 йилда ушбу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 13,5 фоизга камайган (2-жадвал).

¹⁸ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдоси, ўтган йилга
нисбатан фоизда¹⁹**

	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Ташқи савдо айланмаси	104,7	118,8	100,2	107,0	97,4	90,5	97,2	109,6	125,8	124,9	86,8
экспорт	110,6	115,3	90,5	105,3	94,6	92,3	96,7	103,8	111,4	124,8	86,5
импорт	97,2	123,6	113,0	108,8	100,3	88,8	97,8	115,4	138,7	125,0	87,1
МДХ мамлакатлари билан	117,0	121,1	112,2	93,6	101,4	79,0	87,8	108,3	133,7	119,1	81,8
экспорт	144,0	119,0	114,6	86,3	101,9	77,2	82,9	94,0	122,6	124,6	65,9
импорт	91,0	124,3	108,7	104,9	100,8	81,2	93,8	123,6	142,7	115,2	93,8
Бошқа мамлакатлар билан	97,2	117,1	91,1	119,5	94,4	99,6	103,0	110,3	121,8	128,2	89,5
экспорт	94,0	112,5	71,0	130,2	88,2	107,4	106,6	109,2	106,1	124,9	98,0
импорт	102,0	123,2	115,9	111,3	99,9	93,5	99,9	111,4	136,5	130,6	83,6

Импорт операциялари ҳажми йиллар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2017-2019 йилларда ошган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 2017 йилда 15,4 фоизга, 2018 йилда 38,7 фоизга ва 2019 йилда 25 фоизга кўпайган. 2020 йилда ушбу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 12,9 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин.



4-расм. Мамлакат инвестицион фаоллигининг механизмлари²⁰

¹⁹ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²⁰ Хусанов Д.Н. Қишлоқ хўжалигида инвестицион фаолликни таъминлашнинг назарий асослари.// “Иқтисодиёт ва таълим” журнали, 2016 йил. 5-сон.

Мамлакат инвестиция фаоллигини ошириш нафақат маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлари учун қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиш, балки тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма мажмуаси объектлари фаолиятини такомиллаштириш ва инвестиция жараёнларини ташкил этиш даражаси билан ҳам аниқланади. Қуйида келтирилган расмда мамлакат инвестицион фаоллигининг механизмлари акс эттирилган²¹ (4-расм).

Мамлакатда инвестицион фаолликни ошириш ва қулай инвестиция фаолиятини шакллантириш учун қуйидаги вазифаларни ижобий ҳал этиш талаб қилинади:

капитал маблағларни иқтисодиёт тармоқларининг капитал билан таъминланганлик даражаси юқори бўлган соҳаларидан капитал маблағлар етишмайдиган соҳаларига йўналтиришнинг самарали бозор механизмларини яратиш;

иқтисодиёт тармоқларини инвестициялаш учун капитал маблағларни жалб этишни таъминлайдиган институционал бозор инфратузилмаси субъектларини ривожлантириш;

ҳудудларда аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш соҳаларини инвестициялаш учун капитал маблағларни жалб этишнинг ва йўналтириш билан шуғулланувчи инвестиция бозорларини шакллантириш;

мамлакатда хизмат кўрсатувчи банк тизими фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг капиталлашув даражасини ошириш;

инвестицияларни жалб этишни ташкилий шакллари такомиллаштириш;

ҳудудларда лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва инвесторларнинг ғояларини асослаш ва қабул қилишдаги иштирокини такомиллаштириш;

инвестициялашни ахборот-маслаҳат ва маркетинг билан таъминлашни ташкил этиш ва шу кабилар.

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантиришда тадбиркорлик фаолиятига устуворлик берилаётган шароитда, авваламбор, уларнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш, ривожлантириш, шунингдек, ривожланишининг дастлабки босқичларида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тақозо этилади. Бунинг учун эса ушбу соҳада инвестиция салоҳияти манбалари, инвестицион жараён, инвестицион муҳит, инвестицион жозибадорлик, инвестиция фаоллиги, инвестициялар таркиби ва миқдорларини белгилашни бозор тамойиллари асосида шакллантиришни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш ва инвестиция хатарини пасайтириш чора-тадбирларини ўзида мужассамлаштирган инвестиция сиёсатини такомиллаштириш лозимдир.

²¹ Муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотимиз кўрсатишича, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик шакллари фаолияти, улар мавқеининг юқориликка бевосита инвестицион фаолликни оширишда, уларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, улар фаолиятини молиявий таъминлаш манбаларини аниқлаш ва асослашни тақозо этилади. Бу жараён макро ва микродаражада амалга оширилиб, уларнинг ўзаро муносабатларини таъминлаш мамлакатнинг инвестиция фаоллигини оширишнинг муҳим омили эканлигини кўрсатади (5-расм).




5-расм. Инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбалари²²

Корхоналарнинг ривожланиш жараёнида юқоридаги келтирилган тўртта манбадан инвестиция фаоллиги, асосан, давлат маблағлари ва қарзга олинган маблағлар ҳисобига таъминланаётган бўлса, ўз маблағлари ва четдан жалб этилаётган маблағлар бевосита хўжаликларнинг иқтисодий фаолиятидаги тўлов қобилиятининг пастлиги ва имкониятларнинг чекланганлиги сабабли паст даражада сақланиб қолмоқда. Тадбиркорлик субъектлари инвестиция салоҳиятини мустаҳкамлашда уларнинг ўз маблағлари манбалари ҳисобланган фойда, амортизация ажратмалари ва бошқа ички маблағларини кўпайтириш ва қарзларини камайтириш учун маълум муддатли зарур бўладиган даврни яратади ва тақдор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди.

Инвестиция жараёнлари ва фаоллигини ошириш бевосита миллий иқтисодиётнинг ҳолати ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг таъсири билан ҳам изоҳланади. Ўзбекистонда ҳудудий иқтисодиётнинг тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик субъектлари инвестицион фаоллигини ошириш учун уларнинг омилларини асослаш ва ҳар бир омилнинг таъсир доираси, бугунги ҳолати, муаммо ва номуносивликлари ҳамда бугунги кунда инвестиция фаоллигини

²² Хусанов Д.Н. Аграр соҳада инвестиция фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари.// “Бизнес-эксперт” журнали. 2017 йил. 9-сон.

оширишдаги ўрни, шу асосда уларни ривожлантириш масалалари назарий ва амалий асосланиши лозим, деб ҳисоблаймиз (6-расм).



6-расм. Инвестиция фаоллигини ошириш омиллари²³

Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, Республикамизда инвестицион жараёнлардаги мавжуд камчиликлар ва муаммоларни ҳал этиш учун кенг қамровли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиш лозим. Мамлакатимизнинг инвестицион фаоллиги ва жозибдорлигини оширишда куйидаги йўналишларда чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишларини реал шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш;

инвестицион жараённи илмий ва амалий асосланган баҳолаш тизими билан таъминлаш;

мавжуд солиқ тизимини тартибга солиш, соддалаштириш ва тизимли қайта қуриш, шунингдек, амортизацион сиёсатни такомиллаштириш асосида бозор субъектларининг инвестицион имкониятларини кўриб чиқишни назарда тутадиган солиқ ислоҳотини амалга ошириш;

ҳудудлар даражасида иқтисодиётнинг ўзига хос реал хусусиятларини тўлиқ инобатга олган ҳолда, инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқишни амалга ошириш;

аҳоли жамғармалари, ички ва ташқи инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини рағбатлантириш мақсадида инвестицион хавф-хатарларни камайтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларини шакллантириш;

инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва самарадорлигини ошириш учун иқтисодиётнинг барча тармоқларида инвестицион жараёнларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратган ҳолда қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;

тадбиркорликни ташкил этишда бизнес-режалар ишлаб чиқишни такомиллаштириш ва унда инвестиция фаолиятини асослаш ҳамда молиялаштириш манбаларини аниқлаш қабилар.

Диссертациянинг “Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион фаоллик механизми ва инвестицион таваккалчиликни бошқаришнинг муҳим

²³ Хусанов Д.Н. Қишлоқ хўжалигида инвестицион фаолликни таъминлашнинг назарий асослари.// Иқтисодиёт ва таълим журнали, 2016 йил, 5-сон.

жиҳатлари” номли учинчи бобида мамлакат иқтисодиётида инвестиция жараёнларининг ўзига хос йўналишлари, иқтисодиёт тармоқларида инвестицион таваккалчиликни бошқариш механизми таҳлиллари келтирилган ва ҳудудларда инвестициявий жараёнларни бошқаришнинг молиявий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари белгилаб берилган.

Бугунги кунда мамлакатга инвестицияларни сафарбар этиш ва фаоллаштиришни молиявий рағбатлантириш долзарб масала бўлиб, иқтисодий услублар ичида самарали ҳисобланади. Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида давлат инвестицион фаолиятни қуйидаги молиявий рағбатлантириш йўллари билан фаоллаштиради: бюджет маблағлари ёрдамида; солиқ ставкалари ва имтиёзлари; фоиз сиёсати; бошқа молиявий воситалар билан.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим вазифаларидан бири иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун қулай шароитларни яратиш ҳисобланади. Мазкур вазифани амалга оширишнинг зарур шарти республика ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини ошириш ва ушбу жараённи муваффақиятли олиб бориш ҳисобланади.

Минтақаларга инвестицияларни жалб этиш бўйича амалга оширилган илмий изланишларни ўрганиш асосида мазкур тадқиқотда ҳудудларнинг инвестицион жозибadorлигини кўрсатувчи омиллар гуруҳлангани ҳолда ягона тизимга келтирилди. Бунда асосий гуруҳлар сифатида ҳудуднинг комплекс кўрсаткичлари акс этадиган ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини белгиловчи нуқтаи назарлар ва илмий-амалий қарашлар умумлашган ва классификацияланган.

Тадқиқот доирасида инвестиция фаоллигини рағбатлантириш соҳасида ҳудуднинг инвестициялар жозибadorлигини молиявий мониторинг қилиш услугиёти ишлаб чиқилди (3-жадвал).

3-жадвал

Ҳудуднинг инвестициялар жозибadorлигини молиявий мониторинг қилиш кўрсаткичлари²⁴

Кўрсаткич	Ҳисоб-китоб формуласи	Кўрсаткич ўзгаришининг мақсадли динамикаси
1. Иқтисодиётни модернизациялаш учун минтақавий бюджет маблағларидан фойдаланиш натижадорлиги ва самарadorлигини баҳолаш		
1 та хўжалик юритувчи субъектга ҳисоблаб чиқилганда, саноатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун бюджет харажатлари	$DK_{bx} = \frac{K_{bx}}{K_c}$ бу ерда: K_{bx} – бюджет харажатлари; K_c - хўжалик юритувчи субъектлар сони	ошириш
Солиқ тушумларининг умумий ҳажмида ўрта ва кичик	$D_{np\text{cm}} = \frac{CT_{\text{ykt}}}{\dots} \times 100\%$	

²⁴ Муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилди.

корхоналардан тушумлари улуши, %	солик	СТ бу ерда: СТўкт - ўрта ва кичик корхоналардан тушган солик тушумлари; СТ - солик тушумларининг умумий ҳажми	ошириш
Иқтисодиёт секторлари бўйича солик тушумлари улуши, %		СТси ДНПсэ = ----- x100% СТ бу ерда: СТси – иқтисодий секторлар бўйича солик тушумлари; СТ – солик тушумларининг умумий ҳажми	ошириш
Бюджетнинг мақсадларга улуши, %	ижтимоий харажатлари	Кбхим ДРКБсц = ----- x100% БҲ бу ерда: Кбхим –бюджетнинг ижтимоий мақсадларга харажатлари суммаси; Кбх – бюджет харажатлари	ошириш
Аҳоли жон бошига бюджетнинг ижтимоий харажатлари	мақсадларга	Бхим Бхим = ----- АС бу ерда: Бхим – бюджетнинг ижтимоий мақсадларга харажатлари; АС – аҳоли сони	ошириш
Минтақада ҳаёт сифатини оширишга қаратилган минтақавий мақсадли дастурлар улуши, %		Бхмм Бхмм = ----- x100% ММД бу ерда: Бхмм – минтақада турмуш сифатини оширишга қаратилган минтақавий мақсадли дастурлар бўйича сумма; ММД – минтақавий мақсадли дастурлар бўйича умумий сумма	ошириш
Бюджет маблағларининг ҳажмида жалб қилинган бюджетдан ташқари маблағлар улуши, %	муассасалари умумий	БТМ ДпВС = ----- x100% ВБМ бу ерда: БТМ – жалб қилинган бюджетдан ташқари маблағлар; ВБМ – бюджет муассасалари маблағларининг умумий ҳажми	ошириш
Бюджет солик тушумлари динамикаси, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ ўртача миқдори ўсиш суръатлари нисбати, %		СТД СТДўрт. = ----- x100% ХМҲ бу ерда: СТД – бюджет солик тушумларининг динамикаси; ХМҲ – давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатига тўланадиган ўртача ҳақ миқдори ўсиш суръати	ошириш
2. Минтақа ҳудудида ташкилотлар инвестиция имкониятларини баҳолаш			
Ишлаб чиқариш рентабеллиги, %		ЯФ ИР = ----- x 100% Т бу ерда: ЯФ – ялпи фойда; Т – таннархи	ошириш
Ташкилотларнинг аҳоли жон бошига фойдаси		ЯФ ТФ ИР = ----- x 100% ; ТФас = ----- Т АС бу ерда: ТФ – ташкилотлар фойдаси; АС – аҳоли сони	ошириш
Асосий инвестициялар	капиталга умумий	ХИ ХИ ул = ----- x100%,	

ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши, %	ИУҲ бу ерда: ХИ - тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми; ИУҲ - асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми	ошириш
3. Минтақада инвестиция фаолиятининг қўшимча молиявий манбаларини баҳолаш		
Юридик шахс банк депозитининг умумий миқдори	Vбд БДМ = ----- Кюш бу ерда: Vбд – юридик шахс банк депозити ҳажми, Кюш – юридик шахслар сони	ошириш
1 та ташкилотга тўғри келадиган юридик шахсларга берилган тижорат банклари кредитлари ҳажми	Кюш Кюшх = ----- Нюш бу ерда: Кюш – юридик шахсларга берилган тижорат банклари кредитлари ҳажми, Нюш – ташкилотлар сони	ошириш
Аҳоли жон бошига жисмоний шахсларга берилган тижорат банклари кредитлари ҳажми	Кжш Кжшх = ----- АС бу ерда: Кжш – жисмоний шахсларга берилган тижорат банклари кредитлари ҳажми; АС – аҳоли сони	ошириш

Мазкур услубиёт баҳолашнинг қуйидаги учта йўналишини ўз ичига олади: иқтисодийни модернизациялаш учун минтақавий бюджет маблағларидан фойдаланиш натижадорлиги ва самарадорлигини баҳолаш; минтақа ҳудудида ташкилотлар инвестиция имкониятларини баҳолаш; минтақада инвестиция фаолиятининг қўшимча молиявий манбаларини баҳолаш. Таклиф этилган молиявий мониторинг бир йилда камида 1 марта амалга оширилади. Бунда потенциал инвесторлар минтақанинг инвестиция имкониятлари тўғрисида қўшимча ишончли ахборотга эга бўлади.

Диссертация ишининг **“Мамлакат инвестицион фаоллик механизми услубиётини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш масалалари”** деб номланган тўртинчи бобида мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш йўналишлари, иқтисодийга жалб этилган инвестицияларнинг эконометрик таҳлили ва прогноз қилиш масалалари, мамлакат инвестицион фаоллик механизми самарадорлигини иқтисодий баҳолаш услубиётини такомиллаштириш йўллари каби масалалар ўрганилган ва кенг таҳлил этилган.

Мамлакат инвестицион фаоллик механизми услубиётини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишда қуйидаги амалий таклиф ва тавсияларни амалиётда қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Мамлакат ҳудудларини барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибadorлигини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш лозим.

Олиб борилган тадқиқот натижаларимиз кўрсатмоқдаки, бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолатини яхшилаш, истиқболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш механизмларини такомиллаштириш, бу борада мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, табиий хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти, шунингдек, ҳудудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Таклиф этилаётган тизимда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати ва инвестициявий жозибadorлиги даражасини баҳолашнинг рейтинг баҳолаш кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати ва инвестициявий жозибadorлиги даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари қуйидагича ҳисобланади:

статистик кўрсаткичларга асосан, ҳудуд учун энг юқори балл 50 баллни ташкил этади;

ўтказилган сўров натижаларига кўра, ҳудуд учун энг юқори балл 50 баллни ташкил этади.

Ҳар бир устувор йўналиш учун максимал балл уларнинг таркибий рейтинг кўрсаткичлари бўйича тенг тақсимланади. Устувор йўналишларни ташкил қилувчи статистик кўрсаткичлар ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин.

1. Ижобий кўрсаткичлар бўйича баллар қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$X_{ball} = \frac{X}{X_{max}} * Y_{max ball} \quad (1)$$

бунда: X_{ball} - ҳудуднинг муайян кўрсаткич бўйича бали;

X - ҳудуд кўрсаткичи;

X_{max} - ҳудудлар орасида ушбу кўрсаткичнинг максимал қиймати;

$X_{ball max}$ - кўрсаткичнинг энг юқори бали.

2. Салбий кўрсаткичлар бўйича баллар қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$X_{ball} = Y_{max ball} - \frac{Y_{max ball}}{X_{max}} * X \quad (2)$$

бунда: X_{ball} - ҳудуднинг муайян кўрсаткич бўйича бали;

X - ҳудуд кўрсаткичи;

X_{max} - ҳудудлар орасида ушбу кўрсаткичнинг максимал қиймати;

$X_{ball max}$ - кўрсаткичнинг максимал бали.

Ҳудуд учун биринчи босқич бўйича жами баллар устувор йўналишларнинг статистик кўрсаткичлари балларини жамлаш йўли билан ҳисобланади.

Худуд учун якуний балл статистик кўрсаткичлар бўйича жами баллар ва ўтказилган сўров натижалари бўйича тўпланган балларни кўшиш орқали аниқланади.

Якуний баллар асосида 2 та рейтинг шакллантирилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича.
2. Туманлар ва шаҳарлар бўйича.

2. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридан самарали фойдаланиш кўрсаткичини ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш.

Бугунги кунда Республика ҳудудларининг инвестициявий жозибadorлигини баҳолашда ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишнинг самарали механизмларини жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шу ўринда мамлакатимиз ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси ва инвестициявий жозибadorликни баҳолаш тартибини белгилашда мавжуд индикаторларни таҳлил қилган ҳолда қуйидаги индикаторларнинг инобатга олиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридан самарали фойдаланиш даражаси; тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратилиши ҳолати; тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши; тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига келиб тушган тушумлардаги улуши; мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ низоларнинг кўриб чиқилиши ҳолати; янги ташкил этилган, фаолият юритмаётган ва тугатилган тадбиркорлик субъектлари ҳамда улар фаолиятининг давомийлиги; тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси; тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ҳолати; тадбиркорлик субъектларининг банклардаги ҳисобварақларига банд солинганлиги ҳолати; тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун жойлаштирилган асосий капитал қўйилмалари даражаси; тадбиркорлик субъектлари учун солиқ, молия, бухгалтерия ва бошқа турдаги ўқув-семинарлар ташкиллаштирилганлиги; тадбиркорлик субъектларининг тижорат банкларидаги кредитлари бўйича фоиз харажатларининг компенсациялар шаклида қопланганлиги; тадбиркорлик субъектларига банк хизматлари кўрсатилиши сифати кўрсаткичи.

Худудларда тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси аниқланган индикаторларнинг миқдорига қараб 1 баллдан 10 баллгача рейтингда баҳоланиб, “намунали”, “яхши”, “қониқарли” ва “қониқарсиз” деб топилади.

Худудларнинг инвестициявий жозибadorлигини баҳолашда - эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридан самарали фойдаланиш кўрсаткичи муҳимлигини инобатга олиб, ушбу кўрсаткични ҳисоблаш тартиби қуйидагича белгиланиши мақсадга мувофиқ:

Тегишли худудда ташкил этилган эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган лойиҳалар сонининг ушбу худуддаги ҳар 1 000 нафар фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига тўғри

келадиган ўртача миқдорини аниқлаш йўли билан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$I_1 = (L_{\text{эк}} / T_{\text{хф}}) \times 1000 \quad (3)$$

Бунда: I_1 - индикатор миқдори (сонда);

$L_{\text{эк}}$ - тегишли ҳудуддаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган лойиҳалар сони;

$T_{\text{хф}}$ - тегишли ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони.

Тегишли ҳудудда ташкил этилган эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган лойиҳалар суммасининг ушбу ҳудуддаги ҳар 1 000 нафар фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига тўғри келадиган ўртача миқдорини аниқлаш йўли билан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$I_2 = (C_{\text{эк}} / T_{\text{хф}}) \times 1000 \quad (4)$$

Бунда: I_2 - индикатор миқдори (сўмда);

$C_{\text{эк}}$ - тегишли ҳудуддаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган лойиҳалар суммаси;

$T_{\text{хф}}$ - тегишли ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони.

Ҳудудларнинг инвестициявий жозибadorлигини баҳолашда юқорида келтирилган индикаторлар ичида тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши кўрсаткичи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш тартиби қуйидагича: Ҳисобот йили якуни бўйича тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳажмининг ушбу ҳудуддаги ҳар бир фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига тўғри келадиган ҳажмини аниқлаш йўли аниқланади, яъни:

$$I_3 = M_T / T_{\text{хф}} \quad (5)$$

Бунда: I_3 - индикатор миқдори (сўмда);

M_T - тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлари умумий ҳажми (сўмда);

$T_{\text{хф}}$ - тегишли ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони.

Шунингдек, хорижий инвесторларни ҳудудларга жалб этишда тадбиркорлик субъектларининг Давлат бюджетига келиб тушган тушумлардаги улуши кўрсаткичи ҳам муҳим ҳисобланади.

Ушбу кўрсаткич ярим йил давомида тегишли ҳудудда тадбиркорлик субъектларидан Давлат бюджетига (Республика бюджет, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет ва маҳаллий бюджетлар) келиб тушган тушумларнинг ушбу ҳудуддаги ҳар 1 000 нафар фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига тўғри келадиган ўртача миқдорини аниқлаш йўли билан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$I_4 = (T_T / T_{\text{хф}}) \times 1000 \quad (6)$$

Бунда: I_4 - индикатор миқдори (сўмда);

T_T - тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари томонидан Давлат бюджетига тўланган умумий тўловлар (солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар) миқдори (сўмда);

$T_{\text{хф}}$ - тегишли ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони.

Ярим йил давомида тегишли ҳудудда тадбиркорлик субъектларидан Давлат бюджетига (Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар) келиб тушган тушумларнинг миқдорини аниқлаш йўли билан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$I_5 = T_T - T_{\text{хд}} \quad (7)$$

Бунда: I_5 - индикатор миқдори (сўмда);

T_T - тегишли ҳудуддаги Давлат бюджетига тўланган солиқ тўловлари (жисмоний шахслардан ва давлат органларидан ундирилган солиқ тўловлари бундан мустасно) миқдори (сўмда);

$T_{\text{хд}}$ - тегишли ҳудудда фаолият юритаётган давлат иштирокидаги ташкилотлар томонидан тўланган солиқ тўловлари.

3. Мамлакатда йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш тартибини такомиллаштириш.

Бугунги кунда йирик инвестиция лойиҳаси бўйича таклифлар қуйидаги мезонлар асосида баҳоланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: киритиладиган (жалб қилинадиган) инвестиция миқдори; ижара муддати давомида ер солиғи (ижара тўлови) суммасига нисбатан қўлланиладиган, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган ставкага нисбатан оширувчи коэффициент миқдори; ишлаб чиқариладиган жами маҳсулотлардан экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши; фаолиятида юқори технология ва илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг умумий маҳсулотларига нисбатан улуши; режалаштирилган йиллик товар айланмаси миқдори; иш билан таъминланадиган фуқароларнинг ўртача йиллик сони.

Ушбу тўпланган балл мезонларнинг муҳимлилик даражасидан келиб чиқиб қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$T_{\text{балл}} = (T_{\text{тк}} / T_{\text{макс}}) \times M_{\text{макс}} \quad (8)$$

Бунда: $T_{\text{балл}}$ - талабгорнинг баҳоланаётган мезон бўйича олган балли;

$T_{\text{тк}}$ - талабгорнинг тегишли мезон бўйича берган таклифидаги кўрсаткич;

$T_{\text{макс}}$ - талабгорлар томонидан тегишли мезон бўйича берилган таклифлари орасидаги энг юқори кўрсаткич;

$M_{\text{макс}}$ - тегишли мезон бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан муҳимлилик даражасидан келиб чиқиб белгиланган максимал балл.

4. Махсус иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, инвесторлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига:

2020 йил 1 январдан бошлаб, уларга фойда солиғи бўйича имтиёзлар бекор бўлганлиги муносабати билан мазкур солиқ имтиёзларининг

фойдаланилмай қолган қисми 2020 йил 1 октябрга қадар махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилган иштирокчилар учун, улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, улар реестрга киритилган санадан бошлаб 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатларда тўлиқ қўлланилиши;

махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига 2021 йил 15 сентябрдан бошлаб, маҳсулот ишлаб чиқаришда ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни импорт қилганда, қўшилган қиймат солиғи ва божхона божини фоизлар ҳисобланмаган ва уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунгача муддатга кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳукуқи берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

5. Хорижий ҳамда маҳаллий инвесторлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш мақсадида 2021 йил 1 октябрдан бошлаб, инвесторнинг қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган, унинг ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган, инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларини зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

6. Мамлакат инвестицион фаоллигини рағбатлантиришда давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш – устувор масалалардан бири ҳисобланади.

Ушбу масалани ҳал этиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони 1-Иловасининг 2-бобида мазкур стратегиясининг “Соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш” устувор йўналишлари белгилаб берилди.

7. Инвестиция лойиҳаларини кичик саноат зоналари ҳудудида жойлаштиришнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилиши лозим.

Мазкур таклифга кўра, инвестиция лойиҳаларини кичик саноат зоналари (КСЗ) ҳудудида жойлаштиришнинг қуйидаги асосий мезонлари белгиланган: Маъмурий кенгаш томонидан белгиланадиган тармоқ хусусиятига мувофиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш; янги иш ўринларини ташкил қилиш; пул билан ифодаланадиган қийматга эга бўлган инвестицияларни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шаклларда киритиш; муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаган ҳолда, замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни жорий этиш асосида импорт ўрнини босадиган ва (ёки) экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар турлари, материаллар ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.

Ушбу таклифга кўра, инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш бўйича танлов ўтказилиши бўйича тартиб белгиланди.

8. Мамлакат саноат ва рақобат сиёсатини такомиллаштиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва “ўсиш нуқталарига” молиялаштиришни жалб этиш; банкларни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни қайта кўриб чиқиш орқали хорижий стратегик инвесторларни банк секторига жалб этиш шарт-шароитларини шакллантириш; иқтисодиётда энергия барқарорлигини таъминлаш учун ижтимоий лимит ёки компенсация механизмининг жорий этилиши билан энергия бозорини (табiiй газ ва электр энергияси) эркинлаштириш ва ушбу соҳага хусусий ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш; 2020-2022 йилларда 150 миллион доллардан кам бўлмаган миқдорда чарм-пойабзал саноатидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий банкларнинг узоқ муддатли кредит линияларини жалб этиш; хорижий инвесторларга кўзда тутилган имтиёзлар тизимини маҳаллий инвесторларга қўллаш орқали уларни рағбатлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

9. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғининг инвестициявий жозибдорлигини оширишда маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчиларга:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмларни қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва унга сервис хизматини кўрсатиш учун импорт қилишда белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимидан ташқари) озод қилиниши;

қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва унга сервис хизматини кўрсатиш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни импорт қилишда товарлар эркин муомалага (импортга) чиқаришнинг божхона режимида жойлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини 270 кун кечиктириб тўлаши бўйича таклифларнинг амалиётда қўлланилиши мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА

Мамлакат инвестицион фаоллик механизми услубиётини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш масалаларида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги назарий ва амалий хулосаларга келинди:

1. Иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш натижаларига кўра, инвестициянинг моҳиятига қуйидагича таъриф келтириш мумкин: “Инвестициялар узоқ муддатли ва капитал қўйилмаларни хавф-хатарга қўйиб (таваккал қилиб), тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ва бунинг натижасида фойда олиш ёки ресурслар потенциалининг чекланган шароитида келажакда бошқа фойдали самарага эришиш мақсадидаги иқтисодий категориядир”.

2. Мамлакат инвестиция фаоллигини шакллантириш тизимини ташкил этишда қуйидаги чора-тадбирлар муҳим ҳисобланади: инвестициялашнинг

молиявий маблағлари ва манбаларини аниқлаш ҳамда уларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиш; самарали инвестициялашни таъминловчи бозор субъектларини шакллантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш; реал инвестиция талабига мос ресурсларни жалб этишни таъминловчи макроиқтисодий муҳитни шакллантириш; давлат томонидан инвестиция жараёни субъектларини рағбатлантириш.

3. Бугунги кунда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларида қатор услубий камчиликлар мавжуд бўлиб, минтақада қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва ҳудудий дастурларни молиялаштиришнинг нобюджет манбаларидан фойдаланиш имкониятлари паст даражададир. Мазкур камчиликларни бартараф этишда минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари минтақавий бюджет ва молиявий режалаштиришга, мақсадли ҳудудий ва ҳудудлараро дастурларни молиялаштиришнинг реал, жумладан, нобюджет манбаларига ва уларни амалга ошириш механизмларини таъминлашда дастурий ва инвестицион ёндашишга асосланган бўлишини талаб этади.

4. Тадқиқот давомида мамлакат инвестицион фаоллик ва жозибadorлик даражаси рейтингини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилди. Мазкур услубиёт асосида баҳолашни ўтказишнинг мақсади минтақа иқтисодиётида туманлар, корхоналар, кичик тармоқларнинг инвестициявий жозибadorлиги тўғрисида ахборот билан потенциал инвесторларни таъминлашдан иборат. Рейтингни баҳолаш тўртта блок бўйича ўтказилиши лозим: ишлаб чиқариш фаолияти; инвестициявий фаолият; инвестициявий фаолият субъектларининг самарadorлиги; инвестициявий фаолият субъектлари ривожланишининг ижтимоий даражаси.

5. Мамлакатимизда инвестицион жараёнлар ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири инвестицион хавф-хатарларни суғурталашнинг самарали тизими ҳисобланади. Бунинг сабаби, сармоя киритаётган инвестор нафақат маълум бир миқдорда даромад олиш, балки бу сармояларни сақлаб қолиш бўйича кафолатларни таъминлашга ҳам ҳаракат қилади ва улар суғурта тизими ривожлангандагина мавжуд бўла олади. Бироқ амалда суғурта бозорининг аниқ тузилган инфратузилмаси мавжуд эмас, суғурталовчилар ва хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, профессионал суғурта уюшмаларининг манфаатлари тарқоқ бўлиб, бу охири оқибат соҳа инвестицион жозибadorлигини камайитиришга олиб келади.

6. Тадқиқот жараёнида инвестиция ресурсларини жалб қилиш усулига қараб инвестицион жараёни ва инвестицион фаолият босқичларини қуйидагиларга ажратиш мумкин: инвестицион ресурсларни излаш; инвестицияларнинг муайян объектига инвестицияларнинг шакл ўзгариш жараёни; инвестицияларнинг якуний истеъмоли ва янги истеъмолчилик қийматини олиш (фойдаланишга топширилган объектлар ва ишлаб чиқариш қувватлари шаклида); инвестициялаштиришнинг якуний мақсади амалга ошириладиган фойда (даромад) шаклидаги капитал қийматининг ошиши.

7. Мамлакат инвестицион фаоллигини рағбатлантиришда давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни оширишда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг учинчи “Соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш” устувор йўналишларини такомиллаштириш талаб этилади.

8. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғининг инвестициявий жозибадорлигини оширишда маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчиларга мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмларни қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва унга сервис хизматини кўрсатишда алоҳида имтиёزلарни қўллаш.

9. Инвестиция лойиҳаларини кичик саноат зоналари ҳудудида жойлаштиришнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилиши лозим.

10. Республикамиз инвестицион фаоллик механизми самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги амалий таклиф ва тавсияларни амалиётда қўллаш мақсадга мувофиқ:

Мамлакат ҳудудларини барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, табиий хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорлигини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш.

Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридан самарали фойдаланиш кўрсаткичини ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш.

Мамлакатда йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш тартибини такомиллаштириш.

Махсус иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, инвесторлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига фойда солиғи бўйича имтиёзларининг фойдаланилмай қолган қисмидан 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатларда тўлиқ қўлланилиши белгилаш.

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига маҳсулот ишлаб чиқаришда ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни импорт қилганда, қўшилган қиймат солиғи ва божхона божини фоизлар ҳисобланмаган ва уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунгача муддатга кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилиши лозим.

Хорижий ҳамда маҳаллий инвесторлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш мақсадида инвесторнинг қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган, унинг ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган, инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларини зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
№ DSc.03/.10.12.2019.I.16.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХУСАНОВ ДУРБЕК НИШОНОВИЧ

**НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕХАНИЗМА
ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ СТРАНЫ**

08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (Doctor of Science)

город Ташкент – 2022 год

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована под номером B2020.1. DSc/Iqt90 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.
Автореферат диссертации на трёх языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsue.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный консультант: Кузиева Наргиза Рамазановна
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: Саттаров Одилжон Бердимуратович
доктор экономических наук, доцент
Хайдаров Низомиддин Хамроевич
доктор экономических наук, профессор
Ашурова Насиба Батировна
доктор экономических наук, доцент

Ведущая организация: Филiaal Российского экономического университета
имени Г.В. Плеханова в городе Ташкенте


Защита диссертации состоится 30 март 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета №DSc.03/10.12.2019.1.16.01 при Ташкентском государственном экономическом университете по адресу: 100066, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, д. 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрировано под номером 145). Адрес: 100066, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, д. 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz.

Автореферат диссертации разослан 17 март 2022 года.
(протокол реестра № 3 от 17 март 2022 года).




Н.Х. Жумаев
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.э.н.,
профессор


Б.Т. Бердияров
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней д.э.н.,
профессор


С.К. Худойкулов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.э.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировой экономике пандемия COVID-19 привела к сокращению международного потока инвестиций и к замедлению процесса реализации инвестиционных проектов. «В 2020 году поток мировых прямых инвестиций уменьшился на 35 процентов, составив 1 трлн долларов США. В 2019 году этот показатель составлял 1,5 трлн долларов США. В Европе поток прямых инвестиций в целом снизился на 80 процентов, составив 73 миллиарда долларов США. Этот показатель в Великобритании уменьшился на 57 процентов, во Франции – на 47 процентов, а в Германии – на 34 процента. В Европейском союзе объём прямых инвестиций сократился на 73 процента, составив 103 миллиарда долларов США. Поток инвестиций, реинвестированных доходов в США уменьшился на 40 процентов, составив 156 миллиардов долларов США»¹. Данные обстоятельства свидетельствуют о значимости вопросов привлечения иностранных инвестиций и эффективного использования механизмов инвестиционной активности стран в мировом масштабе.

В мировой практике осуществляются научные исследования, посвящённые вопросам стимулирования спроса стран на инвестиции, расширения ресурсной базы инвестиций, совершенствования финансовых механизмов привлечения иностранных инвестиций, увеличения объёма инвестиций в результате создания благоприятного инвестиционного климата и повышения инвестиционной активности в регионах. При этом особое значение уделяется научным исследованиям по таким направлениям, как социально-экономическое развитие национальной экономики и отдельно взятого региона, рациональное использование имеющихся ресурсов на основе полноценной организации производства, выявление дополнительных факторов и возможностей, определяющих инвестиционную активность в экономике, стимулирование инновационной активности и совершенствование механизмов управления инвестиционными рисками в предпринимательской деятельности.

В Узбекистане в период независимого развития реализуются реформы, направленные на создание благоприятного инвестиционного климата, обеспечение экономики инвестициями, повышение привлекательности инвестиционной деятельности. «Особое внимание уделяется необходимости проведения активной инвестиционной политики в стране и повышению инвестиционной привлекательности для привлечения иностранных инвесторов»². Эффективное и последовательное выполнение этих задач требует расширения масштаба исследований по осуществлению инвестиционной политики, направленной на реализацию инвестиционных проектов по модернизации, техническому и технологическому обновлению

¹ World Investment Report-2021: Investing in sustainable recover. UNCTAD/WIR/2021. https://unctad.org/system/files/official-document/wir2021_en.pdf.

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года. <https://lex.uz/ru/docs/3107042>.

производства; развитию производственной и социальной инфраструктуры; совершенствованию методологии эконометрического моделирования экономических межотраслевых направлений и распределения инвестиций, разработки моделей определения эффективности инвестиций и уровней риска.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, изложенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5495 «О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан» от 1 августа 2018 года, №УП-5717 «О мерах по переходу на качественно новую систему формирования и реализации Инвестиционной программы Республики Узбекистан» от 14 мая 2019 года; Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-4937 «О мерах по реализации Инвестиционной программы Республики Узбекистан на 2021-2023 годы» от 28 декабря 2020 года, №ПП-5243 «О мерах по дальнейшей поддержке участников специальных экономических зон» от 14 сентября 2021 года, №ПП-5233 «О мерах по обеспечению инвестиционных проектов внешней инфраструктурой» от 25 августа 2021 года, а также других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.³ Научные исследования, связанные с вопросами повышения эффективности механизма инвестиционной активности в стране, проводятся в ведущих высших учебных заведениях и научных центрах мира, в том числе American Institute for Economic Research, World Finance, Harvard University, IMF, New York University (США), Center of Development Research University of Bonn (ZEF), Center for international Development and Environmental Research University of Giessen (ZEU), IAMO – Leibniz Institute of Agricultural Development in Transition Economies (Германия), Odense University (Дания), The Centre for Efficiency and Productivity Analysis (CEPA) (Австралия), Applied Economics Department University of Valencia (Испания), University of Peking (Китай), Wageningen School of Social Sciences (Голландия), Научно-исследовательский финансовый институт (НИФИ) России, Финансовый факультет Московского государственного университета, Санкт-Петербургский экономический университет (Россия), Ташкентский

³ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе следующих источников: www.zef.de, www.uni-goettingen.de, www.iamo.de, www.sdu.dk, www.uq.edu.au/economics/cepa/, www.ugent.be/bw/agricultural-economics/en, www.uv.es/uvweb/applied_economics_department/, www.uwrf.edu/AGEC/, www.pku.edu.cn, www.wur.nl/en/Education-Programmes/PhD-Programme/Graduate-Schools/ и других.

государственный экономический университет, Ташкентский финансовый институт, Высшая школа бизнеса и предпринимательства (Узбекистан).

В ходе проведённых в мировом масштабе научных исследований по эффективному использованию инвестиций в стране достигнут ряд научных результатов, в частности: предложены методики расчёта эффективности инвестиций в условиях меняющихся и постоянных производственных технологий (University of Texas at Austin, США); разработаны методы расчёта эффективности инвестиций и производительности факторов на основе различных методов (Centre for efficiency and productivity analysis, Department of econometrics, University of New England, Австралия); обоснованы пути рационального использования инвестиций в регионах посредством установления межотраслевых связей (Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO), Италия); исследовано влияние инвестиций на эффективность (Peking University, Китай; International Food Policy Research Institute, США); обоснована взаимосвязь между инвестициями в отраслях экономики и влияющих на них показателях качества (The University of Queensland, Австралия).

В высших учебных заведениях, научных центрах и престижных международных финансово-кредитных организациях мира ведутся исследования по совершенствованию теоретико-методологических, методических и экономико-правовых основ повышения эффективности механизма инвестиционной активности в стране по приоритетным направлениям, в том числе: при финансовой поддержке инвестиционной деятельности совершенствование привлечения иностранных инвестиций и иностранных кредитов; изучение проблем, возникающих при финансировании инвестиционной деятельности за счёт прямых иностранных инвестиций и их устранение; совершенствование системы финансовой поддержки инвестиционной деятельности регионов; эмиссия ценных бумаг сукук, дающих право партнёрства по инвестиционному проекту; опора на результат внутренней нормы прибыльности при принятии инвестиционных решений предприятий; в целях привлечения инвестиций на краткосрочный период внедрение в практику ценных бумаг со сроком менее одного года; разработка методологии определения возможностей рационального использования имеющегося инвестиционного потенциала в регионах посредством расчёта по республике индекса инвестиций в основной капитал на душу населения в разрезе регионов.

